

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҲОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Уразова Раъно,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
rano_urazova@mail.ru

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

For citation: Urazova Ra'no. STUDY OF THE GENESIS OF THE ZOROASTRIAN THEOLOGICAL SYSTEM IN INDEPENDENT UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, SI, pp. 511-525

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-67>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола зардуштийлик дини, унинг илоҳиёт тизимининг генезиси, муаммонинг ўрганилиш тарихшунослиги, авесташуносликнинг баҳсли масалаларидан бири -маъбуд ва маъбудаларнинг вазифалари бўйича таснифи, уларнинг хос функциялари, турли диний маросимлар, кундалик урф-одатлар ва маънавий ҳаётда ҳар бирига хос тарзда вазифалари тақсимооти таҳлилига бағишланган. Масаланинг тарихий аспекти шу пайтга қадар халқаро доирасида нашр этилмаган.

Калит сўзлар: пантеон, зардуштийлик, Мазда Ясна, Авеста, маъбуд, маъбуда, Ахура Мазда, Ахриман, амешаспенталар, язадлар, фравашилар, Яшт, Ясна, Ардвиги Сура, Зам Спента Армаитий, Митра, Варахран.

Уразова Раъно,
доктор философских наук по истории, PhD
Международная Исламская Академия Узбекистана,
rano_urazova@mail.ru

К ИЗУЧЕНИЮ ГЕНЕЗИСА ЗОРОАСТРИЙСКОЙ БОГОСЛОВСКОЙ СИСТЕМЫ В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена анализу зороастризма, генезису его богословской системы, историографии изучения проблемы, одному из спорных вопросов изучения Авесты - классификации богов и богинь по их функциям, их специфическим функциям, а также различным религиозным церемониям и повседневным обычаям данной религии. Исторический аспект проблемы еще не был опубликован на международном уровне.

Ключевые слова: Пантеон, Зороастризм, Мазда Ясна, Авеста, Богиня, Богиня, Ахура Мазда, Ариман, Амешаспентас, Язад, Фраваша, Яшт, Ясна, Ардвиг Сура, Зам Спента, Армаити, Митра, Варахран.

Urazova Ra'no,

Doctor of Philosophy in History (PhD)

International Islamic Academy of Uzbekistan,

rano_urazova@mail.ru

STUDY OF THE GENESIS OF THE ZOROASTRIAN THEOLOGICAL SYSTEM IN INDEPENDENT UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article is devoted to the analysis of Zoroastrianism, the genesis of its theological system, historiography of the study of the problem, one of the controversial issues of studying the Avesta - the classification of gods and goddesses by their functions, their specific functions, as well as various religious ceremonies and everyday customs of this religion. The historical aspect of the problem has not yet been published internationally.

Index Terms: Pantheon, Zoroastrianism, Mazda Yasna, Avesta, Goddess, Goddess, Ahura Mazda, Ariman, Ameshaspentas, Yazad, Fravashi, Yasht, Yasna, Ardivi Sura, Deputy Spenta, Armaiti, Mitra, Varakhran.

Долзарблиги. Зардуштийлик (Мазда Ясна) дини тарихи жаҳон миқёсида 350 йилдан буён тарихчи, философ, филолог, диншунос олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Бироқ, уч минг йиллик Авестанинг ишоратли тағ маъноларини тўлиқ очиб, бу диннинг асл моҳиятини атрофлича тушунтириб берган сўнгги сўз ҳали-бери айтилганча йўқ. Қолаверса, зардуштийлик илоҳиёт тизими генезиси, маъбуд ва маъбудаларнинг функциялари масаласи яхлит муаммо сифатида махсус ўрганилган эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Аждодларимизнинг маънавий оламини, диний дунёқарашларидаги эзгу гояларни тадқиқ ва тарғиб этишга кенг йўл очилди. Тарихни ёзма манбалар асосида далил ва исботли, холисона ўрганишга қаратилган алоҳида эътибор ўзининг самараларини берди. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2001 йилда ЮНЕСКО иштирокида Авеста китоби 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши тарихий манбашуносликнинг янги даврини бошлаб берди. Буюк меросимиз Авеста китобини ўрганиш йўлида жиддий қадам қўйилиб, бу қомусий манбанинг қадимий тилдаги матни ҳозирги ўзбек тилига таржималарда эълон қилинди. Шулар билан бир қаторда Авестанинг чуқур илмий талқинини яратиш, ижтимоий-тарихий моҳиятини очиш каби муаммолар ечимини кутмоқда.

Зардуштийлик диний тизимини ташкил этувчи маъбуд ва маъбудалар туркумининг илоҳиёт тизимидаги ўрнини, уларнинг ҳар бирига тегишли вазифаларни аниқлаш ва бу билан боғлиқ гендер муаммолар ўз тадқиқотини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб, бу ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни тақозо қилади.

Авеста тадқиқотлари жаҳон миқёсида авесташунослик номини олган илмий соҳага айланган. Америка, Россия, Эрон, Ҳиндистон авесташунослик марказлари мавжуд. Уларда олиб борилаётган тадқиқотлар улкан тажриба ва анъаналарга эга. Ўзбекистонда ҳам бу соҳада фундаментал тадқиқот ишлари жадаллашиб, бир қатор монографик тадқиқотлар юзага келди. Халқаро ва республика илмий анжуманлари ўтказилди. Бироқ, Авестанинг ғоявий асослари, зардуштийлик теологиясининг генезиси, маъбудлар ва маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти тадқиқи долзарблигича қолмоқда. Бу эса ушбу мавзунинг тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Шунингдек, мавзунинг ёритишда тизимли таҳлил, фактларнинг ички алоқадорлиги ва хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганилаётган масаланинг индуктив ва дедуктив таҳлили, бунинг натижаларини умумлаштириш, қиёсийлик, каби жорий усуллардан фойдаланилди. Зардуштийлик илоҳиёт тизими генезисининг функционал таҳлилида тарихийлик, манба билан асосланганлик, цивилизация жараян орқали талқин қилиш, фактик материалнинг мантиқий бутунлиги, турли илмий ва ноилмий қарашларга нисбатан танқидийлик тамойилларига амал қилинди ҳамда жаҳон авестологиясининг муҳим рационал ютуқлари ва тажрибасидан фойдаланилди.

Мавзунинг методологияси ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепциясида белгиланган устувор илмий қоидаларга таянади. Шунингдек, ишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов асарларида илгари сурилган ғояларга, хусусан, тарихни асл манбалар асосида холисона ўрганиш, бунда миллий мафкура талабларидан келиб чиқиш қоидаларига амал қилинди. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 115-сонли "Ўзбекистон тарихи музейи ашёлари ҳақида"ги қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Зардуштийлик диний дунёқараш тизими жаҳон миқёсида энг қадимий, маънавий, ахлоқий-фалсафий, универсал тизим сифатида милoddан аввалги II минг йилликнинг сўнгги ва I минг йиллик бошларида тўла ва узил-кесил шаклланиб улгурган эди. Аммо зардуштийликнинг тарихий илдизлари узоқ ибтидоий ўтмиш бағридаёқ юзага кела бошлаган ва инсон тафаккурининг аотирий (мифологик) босқичларидан кўплаб унсурларни ўзининг назарий ва амалий тизимига олиб кирган эди. Шу жумладан, зардуштийлик илоҳиёт тизимида ҳар бир илоҳий зотни

вазифаси ва ўрнини белгилашда ҳам қадимги аجدодлар ўз ижтимоий ҳаёт даражаларидан туриб тафаккурларидан илоҳий образлар тизимини ижтимоий моделлаштиришга ҳаракат қилганлар. Шунинг оқибатида тасаввурларида ҳаётнинг турли жабҳаларини ҳимоя қилувчи, кундалик у ёки бу мураккаб ҳолатларда одамларга нажот бергувчи илоҳий зотларнинг поғоналашган қатори пайдо бўлди. Аслида ушбу иерархия жамиятнинг модели асосига қурилган бўлса-да, одамлар бу диний тизимга чуқур эътиқод орқали ёндошганлари сабабли ўзларидан ҳоли самовий тушунчалар сифатида муносабатда бўлганлар. Энг муҳими, зардуштийлик дини ўзининг дастлабки босқичларидаёқ мазкур ҳаёлий-илоҳиёт тизимини одамлар тақдирларининг ҳал қилувчи омили даражасига кўтарган. Бу ўз навбатида инсон ва жамият, инсон ва табиат муносабатларини тартибга солишга хизмат қилган.

Зардуштийлик динининг ижтимоий-тарихий асосларини илмий жиҳатдан таҳлил қилишда айни шу масалаларнинг моҳиятини ҳалигача етарли даражада таҳлил қилинган эмас. Бироқ, муаммонинг кўлами жуда кенг. Яхлит маънода, ушбу муаммо зардуштийликнинг илоҳиёт тизими функционал таҳлили мажмуидан иборатдир. Бу масала ўз навбатида илоҳиёт тизимининг ҳар бир вакилини айрим-айрим ҳолда вазифаларига кўра атрофлича ўрганиш демакдир, яъни, бош илоҳий зот Ахура Маздадан бошлаб унинг вазифадор малоикалари тизими ҳисобланмиш Олий даражадаги Амешаспенталар, Язатлар, Фравашилар каби кетма-кетликда улкан рўйхатни ташкил қилувчи илоҳиёт тизимини яхлит бир мавзу остида ўрганиш улкан фундаментал тадқиқотни талаб этади. Бундай тадқиқотни яратиш зардуштийлик илоҳиёт тизимини айрим йўналишлар бўйича аниқ мақсадга қаратилган монографик режалар асосида ўрганиб, сўнгра фундаментал тадқиқотга умумлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб илоҳиёт тизими тарихий асосларини, жумладан, "Амешаспенталар ва уларнинг функционал таҳлили", "Авестада язатлар ва уларнинг вазифалари", "Варахран маъбудининг зардуштийлар жамиятида тутган ўрни", "Ардви Сура, Анахита ва унинг функционал таҳлили", "Митра ва унинг вазифалари" каби кўплаб мавзуларга тақсимлаш мумкин бўлади. Зеро, зардуштийликнинг муқаддас манбаси Авеста[мақолада зардуштийлик дини китобининг номи жаҳон авесташунослигида қабул қилинган Авеста шаклида берилди] аجدодларимизнинг диний, фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари ва тушунчаларини ўзида ифодалаган қимматли манбадир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўтмишини ҳаққоний ва объектив ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан истиқомат қилиб келган аҳоли инсоният тараққиётига салмоқли ҳисса кўшиб келган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида "Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омилар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади", - дея таъкидлади. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Аждодларимиздан бизга қолдирган маънавий ва маърифий меросларидан бири бу - Авестадир. Шунингдек, академик С.П.Толстов "Авесто" Хоразм ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг янги эрадан аввалги XIII ва биринчи минг йилликнинг сўнги асрлари орасидаги тарихини ўрганишда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади" деганида нақадар ҳақ эди. Биринчи Президентимиз И.Каримов "Авесто" китобида мужассам топган гоё ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгаллиги ва ўзининг

абადийлиги билан, бу асарда, аввало, табиатга муносабат, табиатга ҳурмат туйғуси, борлиқ оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф-муҳитни сақлаш ва асраш одамзотнинг энг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилгани билан бугунги кунда ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради", деган эди [1, Б.3-7]. Ушбу фикрлар мақоламиз мазмунини, қолаверса, унинг долзарблиги ва моҳиятини белгилаб беради.

Зардуштийлик узоқ ўтмишда минтақамиз халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқи аждодларининг бошини эзгу гоёлар ҳамда уларга таянган илк давлатчилик жараёнлари атрофида бирлаштирган. Ўз даври учун инқилобий даражада юксак янги дунёқараш тизими-зардуштийлик шу қадар теран ижтимоий ва тафаккурий илдишларга эга эдики, кейинчалик мураккаб тарихий босқичларда ҳам халқнинг кундалик урф-одатларида, маросимларининг амалиёт қатламларида зардуштийлик гоёларининг турли кўринишлари трансформацион ҳолда сақланиб келинмоқда.

Мавзунинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади.

Биринчидан, зардуштийлик диний дунёқараш тизими жаҳон миқёсида энг қадимий, маънавий, ахлоқий-фалсафий универсал тизим сифатида милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йиллик бошларида тўла ва узил-кесил шаклланиб улгурган эди. Аммо зардуштийликнинг тарихий илдишлари узоқ ибтидоий ўтмишда юзага кела бошлаган ва инсон тафаккурининг мифологик босқичларидан кўплаб унсурларни ўзининг назарий ва амалий тизимига олиб кирган. Шу жумладан, зардуштийлик илоҳиёт тизимида ҳар бир илоҳнинг вазифаси ва ўрнини белгилашда ҳам қадимги аждодлар ўз ижтимоий ҳаёт даражаларидан туриб тафаккурларидаги илоҳий образлар тизимини ижтимоий моделлар орқали тасаввур этишга ҳаракат қилганлар. Шунинг оқибатида, ҳаётнинг турли жабҳаларини ҳимоя қилувчи, у ёки бу мураккаб кундалик ҳолатларда одамларга гўё нажот бергувчи илоҳлар тизимининг поғоналашган қатори пайдо бўлган. Аслида ушбу поғоналашган тизим жамиятнинг модели асосига қурилган. Одамлар бу тизимга чуқур эътиқод орқали ёндошганлар. Уларга самовий муқаддас тушунчалар сифатида қараганлар. Зардуштийлик дини ўзининг дастлабки босқичларидаёқ, мазкур илоҳиёт тизимини одамлар тақдирини ҳал қилувчи омил даражасига кўтарган. Ўз навбатида бу инсон ва жамият, инсон ва табиат муносабатларини тартибга солишга хизмат қилган. Ушбу илоҳиёт тизими ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бироқ, ушбу илоҳиёт тизимининг генезиси махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

Иккинчидан, зардуштийлик динининг ижтимоий-тарихий ва маънавий асослари ҳалигача етарли даражада ёритилган эмас. Бироқ, муаммонинг кўлами жуда кенг. Яхлит маънода, ушбу муаммо зардуштийлик илоҳиёт тизимининг функционал таҳлили мажмуидан иборат. Бу масала ўз навбатида илоҳиёт тизимининг ҳар бир вакилини айрим-айрим ҳолда вазифаларига кўра атрофлича ўрганишдир, эманациялар, яъни Аҳура Мазданинг ифодалари даражадаги амешаспенталар (ҳамиша барҳаёт, ўлмас ва муқаддас зотлар), язадлар (намозбағишлашга лойиқ ҳисобланган маъбуд ва маъбудалар) ва фравашийлар (борлиқдаги барча эзгу яралмиш нарсаларнинг ҳомийлари) каби кетма-кетликда улкан рўйхатни ташкил қилувчи диний тушунчалар тизимини яхлит бир мавзу остида ўрганиш жиддий фундаментал тадқиқотни талаб этади.

Бугунга қадар авестологияда зардуштийлик маъбуд ва маъбудаларининг яхлит функционал таҳлили ва уларнинг ижтимоий ҳаёт ҳамда эътиқод расм-русумлари талабларидан келиб чиқувчи хоссалари монографик асосда махсус тадқиқ

этилмаган.

Бундан ташқари мазкур диний тизимдан ўрин олган илоҳларнинг антиподлариқаторида ёвуз кучларнинг қутбий қарама-қарши функциялари ҳам бир бутун тадқиқот мавзуси бўлган эмас.

Учинчидан, ушбу мавзу бўйича илмий хулосалар узоқ ўтмиш асотирийтафаккур қатламларини шунчаки очишга эмас, балки бугунги кунда жаҳон миқёсида инсонларга оид долзарб муаммоларнинг тарихий илдиэларини кўрсатиб беришга ҳам хизмат қилади. Зеро, зардуштийлик ва Авестанинг илк макони ҳисобланмиш Марказий Осиёда инсонлар, жумладан аёлларнинг ижтимоий мавқеига азалдан алоҳида ўрин бериб келинган. Бинобарин, эзгу маъбудларга зид ёвузлик хоссалари таҳлилига Авеста орқали ёндашиш ҳам ўта долзарб масаладир.

Тўртинчидан, мавзунинг долзарблигини яна бир вазият белгилайди: кейинги ўн йилликлар давомида авесташуносликда улкан воқеалар бўлди [2,363 с.]. Жумладан, Л.А.Лелеков авесташуносликда кўплаб мавҳум ва баҳсли масалаларга танқидий баҳо берди. Шу билан бирга бизнинг мавзуимиз учун ҳам ҳал қилинишини кутаётган муҳим йўналтирувчи масалаларни белгилаб берди.

Авестани ўзбекчага таржима қилиш ҳаракати ҳам бу буюк мерос ҳақида илмий фикрнинг жонланишига, ниҳоят айрим тадқиқотчилик уринишларига сабаб бўлди [3, Б.384; 4, Б.126; 5,Б.96].

2001 йилда ЮНЕСКО иштирокида Авестанинг 2700 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш муносабати билан зардуштийлик тарихи ва авесташунослик соҳасида фавқулудда кўп илмий ва оммабоп мақолалар юзага келди. Қатор илмий-назарий ҳамда амалий анжуманларнинг материаллари ва тезислари тўпламлар шаклида чоп этилди. Вақтли матбуот саҳифаларидаги мақолаларнинг сон-саногии йўқ. Бироқ, ҳалигача Авестанинг туб тарихий, фалсафий, бадий моҳиятини очиб берадиган, айниқса, маъбудаларнинг ижтимоий-тарихий ва маънавий асослари, уларга юклатилган вазифаларнинг таҳлили каби қатор масалалар алоҳида илмий муаммо сифатида қўйилмади.

Авеста тадқиқотлари тарихшунослиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аввало Авестанинг матнларини йиғиш, саралаш, ўзгармас таркибий тизим ҳолига келтиришдаврлариёқ уни тадқиқ қилишни зарур қилиб қўйган. Чунки биринчи галда Авестанинг матнларида акс этган тил жонли тилдан орқада қола бориб, омма уни тушуниши қийинлаша борган. Китобга бирлаштириш эса, матнларнинг тўғри бўлишини талаб қилган. Мафкуравий жиҳатдан матнларни даврлар оша ижтимоий-сиёсий, маънавий заруратлар билан мослаштиришга уриниш эса, ўз навбатида "асл матн"ни хавф остига қўйган. Бу ҳол Авеста матнларини канонизация қилиниши устида изланишлар билан боғлиқбўлган. Масалан, Зардушт Аҳура Маздани ўзи ўйлаб топган эмас. Мазда култи Зардуштга қадар бўлган. Бу ўринда Зардушт Маздани бутун борлиқнинг эзгу асосларини яратган худо, Олий оқил зот деб эълон қилгани муҳимдир. Шу билан баробар, у ўз қавми ва бошқалар сиғиниб келган турли маъбудларни инкор этиш йўлидан борган. Одамларни фақат Маздага сиғинишга чақирган. Улар сиғиниб юрган "худо"ларининг барчаси Мазданинг "яратганлари" эканини тушунтирди. Бу динни "Беҳдин" - "Энг яхши дин" деб атади ва унинг ибтидоий кўпхудоликдан устун эканини тарғиб қилди. У диннинг ғоявий ва амалий асосини, сиғиниш объекти нуқтаи назаридан Мазда Ясна, яъни "Маздага сиғиниш", дея ўргатди. Бу тарихий бурилиш инсоният ўтмишида мисли кўрилмаган маънавий ҳодиса, янгиланиш, шу билан бирга Авеста тадқиқотларининг илк қадамлари эди.

Авесташуносликда зардуштийлик анъанасига тааллуқли бир нақлга ҳақиқат деб қараб келинади. Бу ҳақиқат Македониялик Александр томонидан Авеста қўлёзма китобининг ёндириб йўқотилганлиги ҳақидаги хабардир. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам шу хабарга ишонч билан қараган [8, 488б.]. Зардуштийликнинг қомусий маълумотлар йиғиндиси "Денкард" китобида ҳам шу маълумот бор. Анъана изидан бориб, биз ҳам Авестанинг ёқиб юборилганига ишонсак, у ҳолда Парфия подшоси Вологез (Валахш) даврида Авестани ёд билувчилардан қайта тиклашга уриниш (милодий I аср) авесташуносликда яна бир муҳим босқич бўлган. Аммо бу уриниш натижаси бизгача етиб келмаган [6. С.47-78].

Зардушт ўз таълимотини қавмлари орасида ёйишда қаршиликларга учраган. Ўз юртидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Ниҳоят, унинг "Беҳдин"и - зардуштийлик ёки Мазда Ясна асл маконидан чиқиб, Бақтрия томонга тарқалади. Бу диннинг дастлабки ҳомийси Бохтар замин ҳукмдори Виштаспа бўлди [7, С.75]. Кейинроқ эса Мазда Ясна дини Эронга кириб борди. Хусусан, Сосонийлар (Ардашир ва унинг вориси Шопур) давридан бошлаб Авестани оғзаки қироатчи муъбадлардан ёзиб олинган. Сўнгги босқич милодий 531-579 йилларда подшолик қилган Хусрав I Ануширвон ҳомийлигида Авеста китобини тўплаб, қайта тиклаш мураккаб тадқиқотлар асосида амалга оширилди. Айни шу даврда Авеста 21 наскдан иборат тизимга келтирилди ва бу сон китобнинг муқаддас ўзгармас таркиби сифатида қарор топди. Хусрав даврини шу маънода Авеста китобининг тўла қайта тадқиқ этилиш босқичи деб қаралиши мумкин.

Илк ўрта асрларда Авестага шарҳ маъносида "Авестани билиш" ("Зенд Авеста") номли тафсир тизими юзага келди. Бунинг сабаби Авеста тилининг жуда қадимийлигида эди. Яъни, илк ўрта асрларда ўлкамиздаги туркий ва эроний тиллар вазияти учун Авестанинг "муқаддас" тили тушунарли эмас эди. Бу жараён ўз-ўзидан муқаддас китобнинг моҳиятини илмий асосда шарҳлаб беришни талаб этар эди. Натижада Авеста маъноларининг талқини "Зенд"ни яратиш ўзига хос тадқиқот босқичи бўлган.

Авесташуносликнинг яна бир муҳим босқичи сифатида IX-XII асрлардаги Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврини кўрсатиш мумкин. Аммо, бу ўринда таъкидлаш лозимки, зардуштийлик кўп жиҳатдан расман ўз ўрнини ўлкамизда ислом динига бўшатиб берган эди. Шунга қарамай зардуштийлик халқ удумлари, урф-одатлари доирасида трансформациялашган шаклда давом этди. Айни шу нуқтаи назардан Авестани бир қатор ўрта аср алломалари тадқиқ этишган. Масалан, Абу Райҳон Беруний қадимий тақвимларни ўрганиш билан бир қаторда зардуштийлик тақвимини ҳам таҳлил қилган. Жумладан, Зардуштни пайғамбарликка даъво қилган тарихий шахслар қаторига қўйган. Зардуштийлик урф-одатлари ҳамда байрамларига илмий баҳо берган [8, 488 б.]. Шу маънода Абу Райҳон Берунийни энг йирик ўрта асрлар авесташуноси деб аташ ҳам мумкин.

Авесташуносликда Фарболимларининг ўрни ҳам ўзига хосдир. 1771-йилда француз олими Анкетиль Дюперрон Авестани "Зенд Авеста" номи билан француз тилига таржима қилиб нашр эттирди. Шундан бошлаб Европада Авеста ҳақида турли тадқиқотлар юзага кела бошлади [9, 363 с.].

Жумладан, мазкур улкан миқдордаги илмий адабиёт ичида маъбудаларга тааллуқли махсус тадқиқот йўқлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Лекин зардуштийлик диний тизимига у ёки бу нуқтаи назардан ёндашув ҳоллари маълум даражада учраб туради. Жумладан, И.С.Брагинский Авестанинг адабий моҳияти

атрофида фикр юритиб, айрим ўринларда илоҳиёт тизими масалаларига ҳам ишоратлар бериб ўтган [10, С.114-115]. Хусусан, шу муаллиф Авестанинг Ардвиги Сура Анахита (Обон) Яшти таржимасини мазкур китобига киритиб, унга айрим шарҳлар ҳам берган.

XX асрнинг иккинчи ярмида авесташуносликда жиддий тадқиқотлар амалга оширилди [11, 562 с.]. Булар қаторида Б.Фофуровнинг "Тожиқлар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи" номли китобида зардуштийлик ва Авеста китобига алоҳида ўрин ажратилган. Унда асосан Авестанинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти, ўрганилиш тарихи, диний-фалсафий асослари, унда акс этган жамият ҳақида фикр юритилсада, тадқиқот мавзусига даҳлдор айрим мулоҳазалари умумий тасаввур беради.

Ўтган аср мобайнида Эрон олимларидан Иброҳим Пурдовуд, Хошим Ризоий, Жалил Дўстхоҳ сингариларнинг авесташунослик соҳасидаги ишлари алоҳида эътибор қозонди. Натижада Авестанинг изоҳли форсий таржимаси [۱۹۹۳ حاشییم رضی. اوستا در دو جلد. تهران-], икки жилдлик авесташунослик тадқиқоти кабилар пайдо бўлди [۲۰۱۹۹۱ انذشارات مروریید، نارهدت. -اوستا . هکندترین سرون ایناریای اهد. ۲۰۱۹۹۱]. Жалил Дўстхоҳ нашрга тайёрлаган Авеста китобида тушунча ва атамаларга берилган изоҳли луғат мавжуд бўлиб, унда тадқиқот мавзусига оид илоҳиёт тизимига оид атамалар изоҳланган.

1990 йилда И.М.Стеблин-Каменский Авестанинг "Яшт" наскдан бир қисмини рус тилига таржима қилиб нашр эттирди [14, 196 с.]. Муаллиф Авестанинг янги таржималарини изоҳлар билан чоп эттирди ва унда тегишли ўринларда мавзуга оид кўпгина маълумотларни учратиш мумкин [15, 160 с.].

1998 йилда Санкт-Петербургда "Авеста в русских переводах" номли йиғма нашрда ҳам илоҳлар тизимига берилган изоҳлар орасида мавзуга оид айрим фикрлар учрайди. В.И.Абаев Зардушт, зардуштийлик ва Авеста кесимида қадимий скиф дунёси илдиларининг ўзаро туташ нуқталарини топишга ҳаракат қилади [16, P.24]. Йирик монографик тадқиқотлар - И.Алиевнинг "Мидия тарихи" [17, 361 с.], И.М.Дьяконовнинг ҳам шу номдаги китобида [18, 485 с.], Б.Ф.Фофуровнинг "Тожиқлар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи" номли китобида [6, С. 46-66], А.О.Маковельскийнинг "Авеста" [19, 144 с.] китобида ва бошқа нашрларда Авестанинг тарихий баҳоси юзасидан бир-бирини тўлдирувчи, баъзан у ёки бу масалада фарқли қарашлар баён этилган. Бу соҳада қайд этиб ўтилган муаллифлардан Б.Ф.Фофуров, И.М.Дьяконов, В.И.Абаевларнинг Авеста ҳақидаги фикрлари мантиқий жиҳатдан етакчи ўрин тутаяди. Бироқ уларнинг бир масаладаги қарашлари фарқли. Бу Авестанинг (зардуштийликнинг) илк ватани масаласи бўлиб, И.М.Дьяконов Бахтар (Бақтрия) шимоли-ғарбий (Ўрта Осиёга нисбатан) йўналишга, яъни Шарқий Европанинг жанубий чўл минтақаларига, Б.Ф.Фофуров эса Шарқий эроний халқлар яшаган қадимги худудларга, яъни Ўрта Осиёга тортади. Авестанинг илк макони С.П.Толстов фикрига кўра фақат Хоразм бўлиб, ўз даври учун бу тушунчани ҳозиргига нисбатан кенгроқ талқин этилган [20, 428 с.].

С.Н.Соколов "Тожиқ халқи тарихи"нинг академик нашрига ёзган "Маънавий маданият" қисмида ушбу диннинг тарихий асосларини кўрсатиш билан бирга илоҳиёт тизимига, шу жумладан маъбудлар қатламининг функционал хусусиятларига эътибор берган. Шу асарнинг "Натурфилософия" бандида Ахура Мазданинг эманациялари қаторида тилга олинган Ваху Мана, Хшатрийа Варйа,

Спента Армаитий, Хаурватат Амеретот каби амешаспенталарнинг табиатга муносабатидан келиб чиқувчи вазифаларига тўхталган. Бироқ, бу фикрлар умумтарихий нуқтаи-назардан йўлакай таъкидланган ва махсус ўрганиш объекти бўлиши лозимлиги кўрсатилган [21, С.168-187].

Е.Э.Бертельснинг рус авесташунослигидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Унинг 1960 йилда чоп этилган фундаментал тадқиқоти "Энг қадимги адабиёт" сарлавҳаси остида "Авеста" деб номланган бўлим мавжуд. Унда Авестанинг таркиби, ҳар бир бўлимидаги мазмун йўналиши, китобдан етиб келган тўртдан бир қисмининг қанчалик қимматли, адабий ва тарихий-маданий аҳамиятга эгаллигини чуқур таҳлил асосида ёритиб берган [22, С.523]. Шу билан бирга муаллиф Авестани "улкан бино харобасининг бир тўда қолдиқлари" деб баҳолагани ҳолда, сақланган қисмларнинг ўзида 83 минг сўз ишлатилганини таъкидлаган.

И.С.Брагинский томонидан Авестага адабий манба сифатида кенг баҳо берувчи бўлим киритилган монография чоп этилди. Муаллиф Авеста бўлимида манбанинг ўрганилиш тарихига оид банд киритиб, унда масалага оид 1970 йилгача яратилган муҳим адабиётни қамраб олган библиографияни илова қилди. Шу билан бирга Авестанинг таркибига тегишли тафсилотлар берди. Авестанинг қисмларини таҳлил этгач, Ардвиге Сура-Анахитага бағишланган бўлим "Обон Яшт"дан парчаларни рус тилига таржима қилиб жойлаштирди. Яштларга адабий-бадиий баҳо беришга ҳаракат қилди. Асардаги матнларнинг бадиий воситаларига эътибор қаратди. Хусусан, "Гоҳ"лар ҳамда Яштлардаги сатрларнинг хусусиятларини, бўгинларнинг ритмик талаффуз талабларига мос равишда тақсимланишини очиб берди [10, С.114-115]. Авеста географияси масаласига юзлаб асарлар бағишланган бўлиб, улардан энг машҳури деб А.О.Маковельскийнинг Авеста номли китобини мисол қилиб келтириш мумкин [19, С.52.].

Авеста тарихшунослигининг мураккаблигини Л.А.Лелеков асарларида кўриш мумкин. Масалан, бу тадқиқотчи Авестанинг Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё халқлари тарихий ўтмишини ўрганишда ўта муҳим ҳужжат эканлиги, шу билан бирга Авестани ўрганишнинг тарихшунослик ҳамда манбашунослик йўналишлари ўта мураккаб соҳа эканлигини таъкидлайди. Ҳозирги замон авесташунослиги узоқ ўтмишдаги маданий, ижтимоий-сиёсий жараёнларни қайта тиклашга хизмат қилмоғи лозимлигини кўрсатади [2, 363 с.]. Ҳолбуки, бу мураккаб вазифа 250-300 йилдан буён олиб борилаётган изланишларнинг баҳс-мунозаралардан, баъзан қутбий зиддиятлардан ҳам холи эмаслигини кўрсатмоқда.

Авеста мифологияси устида бир қатор илмий изланишларамалга оширилган. Лекин, уларнинг натижалари хулосаланмаган, яқунланмаган-ки, улар яна кўплаб илмий тадқиқотларни талаб этади. Аввало, Авестани талқин этишда мифларнинг ўрни ва ролини, янада муҳимроғи, мифологик босқичдан диний таълимот доирасига кириб жойлашиш механизмини тўлиқ тасаввур этиш лозим. Бинобарин, Авестада қадимий мифологик тимсоллар "Кенжа Авеста" босқичига келиб, хусусан "Яшт"ларда язадлар, яъни эркак маъбуд ва аёл маъбудалар қаторини ташкил этган.

Марказий Осиёда бу диннинг илк тадқиқотчиси деб қомусий аллома Абу Райҳон Беруний эканлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Унинг "Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида диннинг тарихи, унинг га оид муҳим жиҳатлар дунё динлари билан қиёсий таққосланган [8, 488 б.].

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида Ўзбекистонда ҳам авесташуносликка эътибор кучайди. Ўзбек авесташунослигининг илк дарғаларидан бири

Н.М.Маллаев "Ўзбек адабиёти тарихи" номли дарслик яратганида Авеста бўлимини ўзбек адабиётининг энг қадимги сарчашмаларидан бири сифатида дадил талқин этган эди [23, Б.53-72]. Чиндан ҳам Авеста мотивлари адабиётимизга асрлар давомида сингиб кетган.

Авесташуносликда академик А.П.Қаюмов Авестанинг "Хурдо Авеста" - "Кичик Авеста" номли йиғма китобини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр қилдирди [24, Б.18-32]. Бу даврда Авестанинг М.Исҳоқов, А.Маҳкам томонидан қилинган таржималари эълон қилинди ["Авеста" алқовлари. / М.Исҳоқов таржимаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1999.№1. - Б.70-79; №2. - Б.63-74; №3. - Б.63-72; №4. - Б.67-72; №5. - Б.72-74; - 2000. №1. - Б.63-74; №2. - Б.72-80; №3. - Б.70-76; №4. - Б.52-62; №6. - Б.62-69].

Авеста "Яшт" наскининг М.Исҳоқов таржимасида эълон қилиниши бир қатор илмий изланишлар учун асос бўлди [4,126 б.]. 2007 йилда Авестанинг "Видевлот" китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий изоҳлар билан нашр этилди. Ушбу изоҳли таржима нашрида мавзуга дахлдор ваилмий асосланган фикрлар кўплаб учрайди [5, 96 б.].

М.Эшмуродовнинг "Авестада табиат қультлари талқини" асарида ҳам зардуштийлик диний тизими билан боғлиқ инонч, эътиқод шакллари ва уларнинг бадий-адабий талқинлари ҳақида фикр юритилган [26, Б.97]. Ушбу тафсилотдан ойдинлашадик, Авеста асосида зардуштийлик дини илоҳиёт тизими ҳамда унинг генезиси махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

А.С.Сагдуллаевнинг Авеста географиясига, унинг Ўрта Осиё билан боғлиқ асосларига қаратилган хулосалари ҳам диққатга лойиқ [27, Б.26-28]. А.Эркаевнинг "Миллий ғоя ва маънавият" китобида Авеста китоби маънавият такомилнинг энг қадимги (архаик) ва илк зардуштийлик босқичига оид ёдгорлик сифатида қайд этилган [28, Б.100-111]. М.Имомназаровнинг "Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари" номли китобида муаллиф Авеста диний тизимига тўхталиб, уни ваҳдоният ва кўпхудолик анъаналари орқали идрок этилган дин сифатида изоҳлайди, яъни "Яратувчи" зотнинг имкониятлари чексиз бўлиб, маъбуд ва маъбудаларни ҳам унинг иродаси маҳсули этиб кўрсатилади [29, Б.7-21].

Сўнгги йилларда Авеста орқали зардуштийлик фалсафасига оид жиддий тадқиқотлар Г.Т.Маҳмудова томонидан олиб борилмоқда. Бироқ бу муаллиф ўз ишларида диний тизимни махсус таҳлилини мақсад қилиб қўймаган [30, 93 р.; 31, 47 с.].

Ҳозирги кунда Авеста масалалари АҚШ, Англия, Германия, Голландия, Франция, Италия, Россия, Эрон, Озарбайжон, Тожикистон, Ҳиндистон, Япония, Ўзбекистон каби кўплаб мамлакатлар олимларини ўз атрофида тўплаган. Шу хусусияти билан авесташунослик жаҳон фанида махсус илмий соҳа бўлиб амал қилмоқда.

Асрлар оша Авестани тушуниш, унинг турли қирраларини талқин қилишда олимлар бир нуқтага келишмаган. Айниқса, Авестанинг мураккаб диний тизими, ундаги илоҳлар ва уларнинг функционал таҳлили муаммоси ҳам тугал ҳал қилинмаган. Авестанинг тарихий-маданий ҳамда маънавий мазмун-моҳиятини очишга бағишланган ишларнинг сон-саногии йўқ. Бу мазмундаги кўплаб адабиёт таҳлилига мавзулаштирилган ҳолда қатор тарихшунослик тадқиқотлари бағишланса мақсадга мувофиқ бўлар эди [32, Б.45-49].

Авесташуносликдаги бу аҳвол ёдгорликнинг талқини масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг долзарблигини яққол кўрсатади. Вазифанинг мураккаблиги

шундаки, авесташунослик тарихи бугунги кунда кўп сонни ташкил этувчи монография ва минглаб мақолаларда акс этган. XVIII асрдан бошлаб Европа авесташунослиги, бевосита зардуштий "парслар" [Ўрта Осиё ва Эрондан араб истилоси даврида кўчиб кетиб, Ҳиндистоннинг Бомбей (Мумбай) ва Гужарот вилоятларида яшаб қолган зардуштийлар - парслар деб аталади] орасидан етишиб чиққан авесташуносларнинг XIX-XX асрлар давомидаги баракали ижодий маҳсулотлари, Эрон авесташунослигига мансуб адабиётлар, ниҳоят, XX аср давомида юзага келган рус ҳамда Марказий Осиё, хусусан, тожик ва ўзбек авесташунослиги эришган натижаларнинг ҳаммаси жиддий таҳлил ва танқидий тарихшунослик талаблари асосида ҳисобга олиниши лозим. Бу эса умуман авесташунослик учунгина эмас, балки мавзу доирасидаги маъбуд ва маъбудаларнинг функцияларини ўрганиш масалаларига ҳам бевосита дахлдордир [33, 146 б.].

Биринчи Президент Ислон Каримов Авеста китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Биз учун "Авесто" китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир"[1, Б.3-7].

Ўзбекистонда XX аср давомида олиб борилган археологик қазишмалар зардуштийлик диний ғоялари орқали талқин қилинадиган кўп миқдордаги ёдгорликларнинг топилишига олиб келди. Уларни илмий изоҳлаш масаласида Авестани жалб этмаслик мумкин эмаслиги эътироф этилди [34, 163 с.]. Бу эса авесташунослик ахборот базасини қайта баҳолаш ҳамда археологик ёдгорликлар, уларнинг талқинлари билан тўлдириш мумкинлигини кўрсатади. Илгари чиқарилган хулосаларни танқидий қайта кўриб чиқиш ҳам зарур [2, 363 с.].

М.Имомназаров ва М.Эшмухамедоваларнинг "Миллий маънавиятимиз асослари" китобида таъкидланганидек: "Бу даврнинг энг буюк маънавий ютуғи илк бор, гарчи асотир тафаккур билан қоришиқ бир даражада бўлса ҳам, боболаримиз руҳида илм ва имон уйғунлиги шакллана бошлагани, дейиш мумкин. Агар "Мазда Ясна", "Ахура Мазда" сўзларида яширинган маъноларни Қуръони Карим "Бақара" сурасининг 256-ояти ("Оят ал-курси") мазмуни билан маълум даражада мувофиқ келишига эътибор қиладиган бўлсак, ўша пайтда ҳам инсоний билимлар манбаи ёлғиз илоҳий-боқий билим деб тасаввур қилинганини сезамиз. Аммо у даврлар одамнинг аксарияти дунёни ғайритабиий тасаввур қилганликлари сабабидан, Зардушт "Гоҳ"лари (муножотлари)даги тавҳид ғоялари мушриклик адашувлари билан қоришиб кетди" [35, Б.118]. Марказий Осиёда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, минтақадаги кўчманчи қабилаларнинг аста-секин ўтроқ ҳолатга ўта бошлаши, жамиятда мулкчилик асосида социал табақаланишнинг юзага келиши ижтимоий онгда ҳам муайян ўзгаришларга олиб келган. Археология ва этнография соҳасидаги тадқиқотлар диний тасаввурлардаги эволюцион ўзгаришларни тасвирлашга имкон беради. Оқибатда илк давлатлар пайдо бўлган даврдаёқ, эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларида ижтимоий табақаланиш билан бир қаторда тафаккур оламида табақаланиш бошланди: сон-саноқсиз маъбудлар ичидан олий имтиёзли худолар табақаси ажралиб чиқа бошлайди.Энг қадимий афсонавий образлар илгари табиат кучларини ҳаёлот орқали ифодалаган бўлса, эндиликда улар илоҳий куч сифатида ижтимоий муносабатларни ифодалайдиган даражада намоён бўла бошлайди [36, Б.68].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб қуйидаги фикрларни ўртага қўйиш мумкин:

1. Авеста илоҳиёт тизими тарихий асосларини ўрганишнинг тарихшунослиги ва авесташунослик тадқиқотларида илоҳиёт тизими генезиси талқини муаммоларининг ўзига хослиги аниқлаш зарурати мавжуд.

2. Бизгача етиб келган Авеста илоҳиёт тизими ҳолатининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш лозим.

3. Зардуштийлик илоҳиёт тизимининг шаклланишига хизмат қилган тарихий шарт-шароитларни тарихий асосларини ўрганиш муҳим.

4. Авестада акс этган зардуштийлик диний, ахлоқий-фалсафий дунёқараш тизимида маъбуд ва маъбудаларнинг тарихий функциялари-ижтимоий ҳаётий жараёнларнинг модели эканлигини асослаш лозим бўлади.

5. Авеста пантеонидаги маъбуд ва маъбудаларнинг ижтимоий-тарихий, ахлоқий-фалсафий функциялари таҳлили амалга оширилади.

6. Пантеондан жой олган маъбуд ва маъбудаларнинг поғоналашган мавқеи ва уларнинг таснифини келтирилади.

7. Маъбуд ва маъбудаларнинг вазифадорлик соҳаларига кўра ижтимоий-тарихий асосларини ўрганилади.

8. Илоҳларнинг ҳимоя қилувчи соҳаларига кўра реал тарихий жараён билан боғлиқлиқлигини илмий асосланади.

9. Авестанинг илоҳиёт тизими ижобий илоҳларига қарама-қарши қўйилган демонологик зотлар ва уларнинг ёвузлик хоссалари муштараклигини исботланади.

10. Салбий (ахриманий) ёвуз кучларнинг ижтимоий замини, уларга қарши кураш, тараққиёт ва барқарорликнинг омили сифатида кўрсатилади. Зардуштийликда юлдузлар ва сайёраларга муносабат масаласидаги қарашлар: собит юлдузлар - яхшилик, сайёралар - беқарорлик ва ёвузлик тимсоли эканлигини асосланади.

Шунингдек мақолада кўтарилаётган масаланинг ўзига хос илмий янгилигини қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

- Зардуштийлик диний пантеонининг тарихий-ижтимоий асослари, мифологик диний-ахлоқий талқинлари биринчи марта тизимли равишда яхлит ўрганилади;

- Реал тарихий-ижтимоий муносабатларнинг кундалик моделига диний тизимнинг мифологик тасаввур орқали боғланадиган моҳияти илк бора таҳлил қилинади;

- Зардуштийлик тасаввурларида ижобий маъбуд ва маъбудаларнинг моҳияти, уларнинг антиподлари бўлмиш демонологик зотлар (девлар, жинлар, парилар) функциялари ўзаро қарама-қарши қўйиш усули орқали кўрсатиб берилади;

- Эзгулик ва ёвузлик қарама-қаршилиги фалсафасининг тарихий асослари ёритилди. Бу орқали зардуштийлик даври ижтимоий ҳаёти ҳақида реал тасаввурлар пайдо қилиш имкони яратилади;

- Ижобий (ахуравий) ва салбий (ахриманий) зотлар нисбатининг ижобийлар фойдасига ҳал бўлиши имонли, эътиқодли, меҳнаткаш, яратувчи инсонга боғлиқ эканлиги Авеста орқали илк бора исботлаш имкони туғилади ва ҳ.к.

Авеста тадқиқотларида ҳали етарли ҳал бўлмаган муаммолар ўз ечимларини кутмоқда [37, Б.45-51]. Ўзбекистонда авесташуносликнинг илмий асослари эндигина яратилмоқда. Зеро, "Авесто"да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани аниқлатади. Бу ҳолат инсоннинг

маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади" [38, Б.32].

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Биринчи Президент И.А.Каримовнинг "Авесто" китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. - № 6. - Б. 3 - 7. (Speech of the First President IA Karimov at the opening ceremony of the memorial complex dedicated to the 2700th anniversary of the book "Avesto" // Uzbek language and literature. - 2001. - № 6. - Б. 3 - 7.)

[2] Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. - М., 1992. - 363 с. (Lelekov L.A. Avesta in modern science. - М., 1992. - 363 p.)

[3] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. - Т.: Шарқ, 2001. - 384 б. (Avesto. Historical and literary monument. / Translated by Askar Mahkam. - Т.: Sharq, 2001. - 384 p.)

[4] Авесто: Яшт китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. - Т.: Шарқ, 2001. - 126 б. (Avesto: The Book of Ages. / Translated by M. Ishakov. - Т.: Sharq, 2001. - 126 p.)

[5] Авеста: "Видевдат" китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. - Т.: ТДШИ, 2007. - 96 б. (Avesta: The Book of Videvdat. / Translated by M. Ishakov. - Т.: TDSHI, 2007. - 96 p.)

[6] Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. - М.: Наука, 1972. - 664 с. (Gafurov B.G. Tajiks. The most ancient, ancient and medieval history. - М.: Nauka, 1972. - 664 p.)

[7] Кадыров М. Отрывки из Авесты. /перевод // Материалы по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. - Т., 1976. - С.75. (Kadyrov M. Excerpts from the Avesta. / translation // Materials on the history of socio-philosophical thought in Uzbekistan. - Т., 1976. - P.75.)

[8] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т. I. - Т.: Фан, 1968. - 488 б. (Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т. I. - Т.: Фан, 1968. - 488 б.)

[9] Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. - М., 1992. - 363 с. (Lelekov L.A. Avesta in modern science. - М., 1992. - 363 p.)

[10] Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. - М.: ГРВЛ., 1972. - С. 114-115. (Braginsky I.S. From the history of Tajik-Persian literature. - М.: GRVL., 1972. - S. 114-115.)

[11] Bartholomae Ch. Altiranisches wörterbuch. - Strassburg, 1904. Қаранг: Л.А.Лелеков. Авеста в современной науке. - М., 1992. - 363 с.

[12] ۱۹۹۳ حاشیہ رزی اوستا دردو جلد تحران

[13] اوستا . هکذترین سرون ایناریای اهدا-۱

اذنشارات مروید تیهران - ۱۹۹۱

[14] Авеста. Избранные гимны. / Перевод И.М.Стеблин - Каменского. - Душанбе: Адиб, 1990. - 196 с. (Avesta. Selected hymns. / Translation by I.M. Steblin - Kamensky. - Dushanbe: Adib, 1990. - 196 p.)

[15] Авеста. Видевдат. / Перевод И.М.Стеблин - Каменского. - М.: ГРВЛ., 1994. - 160 с. (Avesta. Videvdat. / Translation by I.M. Steblin - Kamensky. - М.: GRVL., 1994

.-160 p.)

[16] Абаев В.И. Скифский быт и реформы Зороастра. // *Arxiv orientali*. XXIV. 1. - Praha, 1956. - P.24. (Abaev V.I. Scythian life and the reforms of Zoroaster. // *Arxiv orientali*. Xxiv. 1.- Praha, 1956.- P.24.)

[17] Алиев И. История Мидии. - Баку, 1960. - 361 с. (Aliyev I. The history of the Media. - Baku, 1960 .- 361 p.)

[18] Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. - М. -Л., 1956. - 485 с. (Dyakonov I.M. The history of Media from ancient times to the end of the IV century BC - M. -L., 1956. - 485 p.)

[19] Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. - 144 с. (Makovelsky A.O. Avesta. - Baku, 1960 . - 144 p.)

[20] Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: Изд. МГУ, 1948. (Tolstov S.P. Ancient Khorezm. - M.: Publishing. Moscow State University, 1948.)

[21] Соколов С. Н. Духовная культура. В кн. История таджикского народа. -Т.І. - М.: ГРВЛ., 1963. -С.168-187. (Sokolov S. N. Spiritual culture. In the book. The history of the Tajik people. -Т.І. -М.: GRVL., 1963. -P.168-187.)

[22] Бертельс Е. Э. Избранные труды. Т.1. История персидско-таджикской литературы. -М.: ГВРЛ., 1960. -С.523. (Bertels E.E. Selected Works. T.1. The history of Persian-Tajik literature. -M.: GVRL., 1960. -P.523.)

[23] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1964. - Б. 53-72. (Mallaev N.M. History of Uzbek literature. - Т.: Teacher, 1964. - P. 53-72.)

[24] Қаюмов А.П. Хурдо Авеста. // Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Т.: Ёзувчи, 2000. - Б.18-32. (Qayumov A.P. Xurdo Avesta. // Ancient written monuments. - Т.: Writer, 2000. - P.18-32.)

[25] "Авеста" алқовлари. / М.Исҳоқов таржимаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1999. - № 1. - Б.70-79; - №2. - Б.63-74; - №3. - Б.63-72; - №4. - Б.67-72; - №5. - Б.72-74; - 2000. - №1. - Б.63-74; - №2. - Б.72-80; - №3. - Б.70-76; - №4. - Б.52-62; - №6. - Б.62-69. (The Avesta applause. / Translated by M. Ishakov. // Uzbek language and literature. - 1999. - № 1. - P.70-79; - №2. - P.63-74; - №3. - P.63-72; - №4. - P.67-72; - №5. - P.72-74; - 2000. - №1. - P.63-74; - №2. - P.72-80; - №3. - P.70-76; - №4. - P.52-62; - №6. - P.62-69.)

[26] Эшмуродов М. "Авесто"да табиат културлари талқини. - Т.:ТДПУ нашриёт - матбаа бўлими, 2002. - 97 б. (Eshmurodov M. Interpretation of cults of nature in the Avesto. - Т.: TDPU Publishing and Printing Department, 2002. - 97 p.)

[27] Сагдуллаев А.С. Авеста географияси ҳақида. // "Авеста" қадимий тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. ТДШИ "МОХТ" кафедраси илмий-амалий семинари материаллари. - Т., 2001. - Б.27-28. (Sagdullaev A.S. About the geography of the Avesta. // The Avesta is the first written source of our ancient history and spirituality. Materials of the scientific-practical seminar of the department "МОХТ" TDSHI. - Т., 2001. - P.27-28.)

[28] Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. - Т.: Маънавият, 2002. - Б.100-111. (Erkaev A. National idea and spirituality. - Т.: Manaviyat, 2002. - P.100-111.)

[29] Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. - Т.: Шарқ, 1996. - Б.7-21. (Imomnazarov M. Stages of development of our national spirituality. - Т.: Sharq, 1996. - P.7-21.)

[30] Маҳмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. - Т.: Изд-во журнала "Санъат", 2010. - 255 с. (Makhmudova G.T. The philosophical essence of the Avesta. - Т.: Publishing house of the Sanat magazine, 2010. - 255 p); About natuve land of

zoroastrianism and Avesta. - USA.: Kontinent, 2008. - 93 p. . About natuve land of zoroastrianism and Avesta. - USA .: Kontinent, 2008 .- 93 p.

[31] Махмудова Г.Т. Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах Авесты). Автореф.дис... доктора ист. наук. - Т., 2012. - 47 с. (Makhmudova G.T. Historical and philosophical analysis of the teachings of Zoroastrianism (based on Avesta materials). Avtoref.dis ... doctors ist. sciences. - Т., 2012 .- 47 p.)

[32] Мустақил Ўзбекистонда Авесташунослик ва унинг истиқболлари. "Авесто қадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа" Халқаро илмий конференция. Тўплам. - Тошкент, 2013. -Б. 45-49. (Avesta Studies in Independent Uzbekistan and its Prospects. International Scientific Conference "Avesto values: modernity, religion and philosophy." Collection. - Tashkent, 2013. -P. 45-49.)

[33]Уразова Р.Т. Зардуштийликдаги маъбудаларнинг тарихий-ижтимоий таҳлили. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. - 146 б. (Urazova R.T. Historical and social analysis of the goddesses in Zoroastrianism. - Т .: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2013. - 146 p.)

[34] Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд, 1993. -163 с. (Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Rannyya gorodskaya kultura epoxi bronzy yuga Sredney Azii. - Samarkand, 1993. -163 p.)

[35]Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. - Т.:ТИУ., 2001. - Б.118. (Imomnazarov M., Eshmuhamedova M. The foundations of our national spirituality. - Т.: TIU., 2001. - P.118.)

[36]Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. - Т.: Шарқ, 1999. - Б.68. (Jabborov I. The state of the great Khorezmshahs. - Т .: Sharq, 1999. - P.68.)

[37]Уразова Р.Т. Мустақил Ўзбекистонда Авесташунослик ва унинг истиқболлари. -Т.,2013. "Авеста қадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа". Халқаро илмий-назарий конференция. Тўплам. - Т., 2013. -Б. 45-51. (Urazova R.T. Avesta Studies in Independent Uzbekistan and its Prospects. -Т., 2013. Avesta Values: Modernity, Religion, and Philosophy. International scientific-theoretical conference. Collection. - Т., 2013. - P. 45-51.)

[38] Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - Б.32 (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. - Т .: Manaviyat, 2008. - P.32)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000